

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

МАДАЛИЕВ МУРОДИЛ ЭРКИНЖОН ЎҒЛИ

**ҲАВО СЕПАРАТОРЛАРИ ИЧИДА СОДИР БЎЛАДИГАН
ЖАРАЁНЛАРНИ КЎП ФАЗАЛИ МУҲИТЛАР НАЗАРИЯСИ АСОСИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Physical-mathematical Sciences**

Мадалиев Муродил Эркинжон ўғли

Ҳаво сепараторлари ичида содир бўладиган жараёнларни кўп фазали мухитлар назарияси асосида моделлаштириш.....3

Мадалиев Муродил Эркинжон угли

Моделирование процессов, происходящих в воздушных сепараторах на основе теории многофазных сред.....21

Madaliev Murodil Erkinjon ugli

Modeling of processes occurring in air separators based on the theory of multiphase media.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

МАДАЛИЕВ МУРОДИЛ ЭРКИНЖОН ЎҒЛИ

**ҲАВО СЕПАРАТОРЛАРИ ИЧИДА СОДИР БЎЛАДИГАН
ЖАРАЁНЛАРНИ КЎП ФАЗАЛИ МУҲИТЛАР НАЗАРИЯСИ АСОСИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/FM235 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси М.Т. Ўразбоев номидаги Механика ва сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маликов Зафар Маматкулович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Арифжанов Айбек Мухамеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети
ҳузуридаги Ахборот-коммуникация
технологиялари илмий-инновацион маркази

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019. T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “2” “декабр” соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52; Факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йули кўчаси, 33-уй. Тел.: (99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил «18» ноябрдаги 2 рақамли реестр баённомаси)



М.М.Мирsaidов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, ЎЗР ФА академиги

М.К.Усаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

И.Қ.Хўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ҳозирги вақтда замонавий саноат учун гранулометрик таркибдаги майда кукунлар катта аҳамиятга эга. Чунки майда кукунлардан кўплаб технологик жараёнларда фойдаланиш яқуний маҳсулот сифатини оширишга олиб келади. Кичик кукунларни ишлаб чиқаришнинг энг самарали ва экологик тоза усуллари марказдан қочма ҳаво сепараторларидан фойдаланишга асосланган. Бироқ, марказдан қочма сепараторлар ичида мураккаб беқарор турбулент оқим режимлари содир бўлади. Ушбу йўналишдаги экспериментал тадқиқотлар катта техник қийинчиликлар ва юқори харажатлар билан боғлиқ. Шунинг учун кўп фазали муҳитни ҳаво билан қайта ишлашни такомиллаштириш ва технологик ривожланиши ва кукунларни фракцияларга ажратиш учун янада такомиллаштирилган янги ва самарали сепараторларни яратиш фақат кўп фазали оқимларнинг аэродинамикаси соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар асосида амалга оширилишга имкон беради.

Ҳозирги кунда жаҳонда турбулент муҳитнинг айланма ҳаракатини тавсифлайдиган турли математик моделлари ишлаб чиқилмоқда, ҳамда уларнинг турли гидродинамик муаммоларни ҳал қилишда жорий этилиши ривожланмоқда. Оқимни айлантириш кучли анизотроп турбулентликка олиб келади. Математик жиҳатдан бу масала анча мураккаб ва ҳозиргача айланма турбулент оқим учун универсал модель яратилмаган. Ушбу муаммо икки фазали полидисперс муҳит турбулент оқими учун янада мураккаблашади. Шу муносабат билан кўп фазали турбулент оқимлар учун турбулентликнинг такомиллаштирилган математик моделлари, самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш воситалари ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, самарали марказдан қочма сепараторлар ишлаб чиқилган ва турли хил дисперсияли муҳитда ишлайдиган ишлаб чиқариш объектларига жорий қилинган. Шу билан бирга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...ишлаб чиқаришни..., техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ..., юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш; ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ..." ¹ лозимлиги қайд этилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда полидисперс муҳитлар айланма турбулент оқимларининг моделини куриш, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш ва турли хил қурилмаларнинг рационал параметрларини аниқлашга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

имкон берадиган дастурий таъминот пакетларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш" тўғрисидаги 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-2789 сонли қарорида ва ушбу фаолият соҳасида қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноатда ишлатиладиган марказдан қочма сепараторларнинг конструкциялари турличалигига қарамай, кичик чангни ажратиш муаммоси ҳалигача ҳал қилинмаган. Масалан, бугунги кунда энг самарали марказдан қочма сепаратор «Семтеc Cement and Mining GmbH» томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ ушбу ҳаво сепараторлари самарадорлиги 70-75 %дан ошмайди. Дунёнинг этакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган сепараторлар конструкцияларининг ўзаро ўхшашликларини ҳисобга олсак, ушбу қурилмалар ўз даврида мукамаллигига эришганлигини таъкидлаш мумкин. Ажратиш самарадорлигини ҳар бир кейинги фоизга ошириш эса аҳамиятли иқтисодий фойда келтириши мумкин. Сепараторнинг самарадорлигини ошириш учун гидродинамика қонунлари асосида кўп фазали муҳитларнинг айланма ҳаракати динамикасини ўрганиш ва айланма турбулент оқимларнинг аниқ математик моделини яратиш лозим.

Ҳозирги кунда айланма турбулент оқимлардаги жараёнларни математик моделлаштириш, тегишли муаммоларни сонли ҳал қилишнинг самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш замонавий гидромеханиканинг устувор илмий йўналишлари ҳисобланади.

Х.А. Раҳматуллин фазалар концентрациясининг ўзгариши туфайли ҳосил бўладиган кўшимча кучни 1956 йилда кашф этди ва унинг асосида кўп фазали оқимларнинг классик моделини такомиллаштирди. Кўп фазали оқимнинг классик математик моделини А. Фортъе (1971) ва Р. Бусройд (1975) илмий ишларида топиш мумкин. Россия Фанлар академиясининг Ҳисоблаш марказида О.М. Белоцерковский ва Ю.М. Давидов мураккаб аэродинамик оқимларни ўрганиш учун самарали сонли усуллар ишлаб чиқишди ва кенг ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишди (1973). Р.И. Нигматулин ўз ишларида қаттиқ ва суюқ фазалар зарраларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олди (1987). Спаларт П.Р., Аллмарас С.Р. (1992), Шур М.Л. (1997), Ментер Ф.Р. (1994), Секундов А.Н. (1995), Вилкокс Д.С. (2006) ларнинг илмий ишлари Буссинеск

гипотезасидан фойдаланган ҳолда турбулентликнинг чизиқли моделини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бағишланган. Лаундер Б.Е. (1972), Роди В. (1975), Хеллистен А., Валлин С., Йохансон А.В. (2005)лар томонидан турбулентликнинг чизиқли бўлмаган моделлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда кўп фазали оқимлар назариясини ривожлантиришда Ж.Ф. Файзуллаев, А.И. Умаров, Қ.Ш. Латипов, И.Н. Хусанов, А.А. Ҳамидов, А.А. Шокиров, А.М. Арифжанов, З.М. Маликов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Гидромеханика соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, бугунги кунда марказдан қочма сепарациялаш шароитида кўп фазали полидисперс муҳитларнинг турбулент оқимини етарли аниқликда тавсифлайдиган математик моделлар мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши "Олмалик КМК рух заводида ишлаб чиқарилган рух кукунини ажратиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш" 02-1061 сонли хўжалик шартномаси асосидаги иш ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар мустақамлиги институти ишланмаларининг тижоратлаштиришни таъминлаш учун "Йўл харитаси" га мувофиқ "Олмалик КМК" ОАЖ рух заводида рух кукунни пуркаб бериш учун модернизацияланган форсунка синовини амалга ошириш жараёни доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки фазали полидисперс муҳитлар турбулент оқимларининг математик моделини қўллаш орқали марказдан қочма сепаратор конструкциясининг мақбул параметрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик дисперсияли кукунларни қуруқ ажратиш учун сепараторлар конструкцияларни таҳлил қилиш;

адабиётлар шарҳи асосида икки фазали муҳитда куч омилларини қиёсий баҳолаш;

марказдан қочма сепараторда қаттиқ полидисперс зарралар билан бирга айланма ҳаракат қилаётган газ турбулент оқимининг математик моделини ишлаб чиқиш;

турли хил турбулентлик моделлари ёрдамида айланма ҳаракат қиладиган икки фазали турбулент оқимни сонли моделлаштириш;

қаттиқ заррачалар билан айланма ҳаракат қиладиган газ оқими учун энг мос турбулентлик моделини аниқлаш;

сепараторнинг самарадорлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саноатда кенг қўлланиладиган марказдан қочма сепараторлар қаралди.

Тадқиқотнинг предметини марказдан қочма сепаратор ичидаги икки фазали турбулент айланма оқимларнинг математик модели ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда гидромеханиканинг чизиқли бўлмаган тенгламалари асосида икки фазали муҳитларни математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаси усулларида, ишлаб чиқилган сепаратор самарадорлигининг лаборатория синовларида электрон

микротарозилар, замонавий анемометр, микроскоп ва бошқа ўлчов асбобларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор фазалараро ўзаро таъсирни ҳисобга олган ҳолда, Рейнольдс кучланишлари RSM турбулентликнинг чизиқли бўлмаган модели ёрдамида сепараторда ҳаракат қилаётган икки фазали муҳит айланма оқимининг математик модели тузилган ва унинг бошқа моделларга нисбатан афзалроқ эканлиги исботланган;

чизиқли бўлмаган турбулентлик модели асосида Рейнольдс тенгламалар системасини мураккаб соҳа учун сонли ечиш усули ишлаб чиқилган;

янги ишлаб чиқилган марказдан қочма сепаратор ёрдамчи элементларининг параметрларини сонли ҳисоблаш услуби ва дастури яратилган;

таклиф этилган трапециясимон куракчалар асосида кукунларни ажратиш учун юқори самарали марказдан қочма сепаратор яратилган ва жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки фазали турбулент оқимнинг самарали моделини ишлаб чиқиш;

бир ва икки фазали турбулент оқимларни ўрганиш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

сепаратор самарадорлигини 89% дан 92% гача оширишга имкон берадиган оқим уюрма ҳосил қиладиган куракнинг мақбул оптимал параметрларини аниқлаш;

сепараторга киришда оқим оптимал тезлигини аниқлаш имконини берди.

Назарий тадқиқотларнинг ушбу натижалари самарадорлиги 70% дан ортиқ бўлган саноат сепараторини лойиҳалаш имконини берди. Янги яратилган марказдан қочма сепараторни чангтутгич сифатида ҳам ишлатса бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аэрогидродинамика масалаларининг қатъий қўйилиши, уларни сонли ечишда олдиндан маълум бўлган усул ва алгоритмларга таянилганлиги билан асосланади. Олинган назарий ва сонли натижалар лаборатория шароитида ўтказилган тажриба ўлчовлари натижалари билан таққосланган ва улар орасидаги фарқ 5% дан ошмаслиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илк мартаба марказдан қочма сепаратор параметрларини ҳисоблаш учун икки фазали турбулент оқим аэродинамикасининг асосланган натижалари қўлланилган. Шу кунгача асосан сепаратор ичида содир бўлаётган турли жараёнларнинг физик моҳиятини очиб бермайдиган эмпирик ҳисоблаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқот натижалари асосида ярим эмпирик турбулентлик моделидан фойдаланган ҳолда сепаратор параметрларини ҳисоблашнинг сонли усули таклиф қилинган. Диссертация натижалари нафақат сепараторларни ишлаб

чиқиш, балки самарали чанг туткичлар, гидроциклонлар, миксерлар ва бошқа курилмаларни лойиҳалаш учун ҳам фойдалидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказдан қочма сепаратордаги икки фазали полидисперс муҳитлар турбулент оқимларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

марказдан қочма сепаратор конструкциясининг мақбул параметрлари Олмалик кон-металлургия комбинати учун рух кукуни ажратгичини ишлаб чиқаришга жорий этилган (Олмалик кон-металлургия комбинати ОАЖнинг 2020 йил 21 февралдаги АС-01441-сон маълумотномаси). Натижада, ўртача катталиги 7 микрон бўлган (ГОСТ 12601-76) ПЦ-4 рух кукунини ажратиш имкони яратилган;

сепаратор ичида кечадиган жараённинг аэродинамикасини ўрганиш натижалари курилма рационал параметрларини топишга қўлланилган (Олмалик кон-металлургия комбинати ОАЖ нинг 2020 йил 21 февралдаги АС-01441-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқариш жараёнида рух кукуни ажратгичининг Ф.И.К.ни 50% дан 70% гача оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. ЭХМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 3 гувоҳнома олинган, ихтирога ариза берилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш рўйхати, нашр этилган ишлар келтирилган ва диссертация таркиби тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Сепаратор ичида содир бўладиган жараёнларни математик моделлаштириш**" деб номланган.

Биринчи параграфда қурилиш материаллари ишлаб чиқиш саноатида қўлланиладиган кичик дисперсияли кукунларни ажратувчи асосий ускуналар

кўриб чиқилган.

Иккинчи параграфда айланма турбулент оқимда каттик аэрозол зарраларига таъсир қилувчи кучларнинг ҳосил бўлиши таҳлил қилинган. Ушбу кучларнинг катталиклари баҳоланган.

Учинчи параграфда турбулентликни моделлаштиришнинг асосий ёндашувлари муҳокама этилган.

Тўртинчи параграфда турбулентликнинг айрим чизикли моделлари тавсифланган.

Спаларт-Аллмарас модели турбулентликнинг бир параметрли моделлари синфига мансуб. Уюрмали оқимда ёпишқоқликнинг кинематик коэффицентини ҳисоблаш учун фақат битта кўшимча тенглама пайдо бўлади:

$$\frac{d\tilde{v}}{dt} = C_{b1}(1 - f_{t2})\tilde{S}\tilde{v} - \left[C_{w1}f_w - \frac{C_{b1}}{k^2}f_{t2} \right] \left(\frac{\tilde{v}}{d} \right)^2 + \frac{\nabla[(v + \tilde{v})\nabla\tilde{v}]}{\sigma_v} + \frac{C_{b2}(\nabla\tilde{v})^2}{\sigma_v}. \quad (1)$$

Турбулент уюрмали ёпишқоқлик қуйидагича ҳисобланади: $v_t = \tilde{v}f_{v1}$.

Ментернинг SST модели k - ε ва k - ω моделларининг суперпозицияси тарзида ёзилган. Каттик деворга яқин соҳада k - ω моделини қўллашдан девордан узоқ жойларда k - ε моделига силлиқ ўтиш учун F_1 эмпирик функцияси киритилади:

$$\begin{cases} \frac{dk}{dt} = \nabla[(\mu + \sigma_k\mu_t)\nabla k] + Pf_{rot} - \beta^* \omega k, \\ \frac{d\omega}{dt} = \nabla[(\mu + \sigma_\omega\mu_t)\nabla \omega] + \frac{\gamma}{v_t} Pf_{rot} - \beta\omega^2 + 2(1 - F_1)\frac{\sigma_{\omega 2}}{\omega} \nabla \omega \nabla k. \end{cases} \quad (2)$$

Турбулент ёпишқоқлик $\nu = k / \omega$ формула бўйича ҳисобланади.

Бешинчи параграфда Рейнольдс кучланишили чизикли бўлмаган турбулентлик моделлари муҳокама этилган. Тўлиқ иккинчи моментли Рейнольдснинг кучланиш моделлари битта тенгламага эга содда чизикли ва чизикли бўлмаган моделлардан катта фарқ қилади, чунки иккинчи момент орқали Рейнольдс кучланишлари τ_{ij} нинг бошқа тензорларга нисбатан кучланишини берадиган конститутив муносабат (масалан, Буссинеск гипотезаси) қўлланилади. Бошқа томондан, тўлиқ иккинчи моментли Рейнольдснинг кучланиш моделлари ҳар 6 Рейнольдс кучланишининг ҳар бирини тўғридан-тўғри ҳисоблайди (Рейнольдснинг кучланиш тензори симметрик ва шунинг учун 6 та мустақил ҳад мавжуд). Ҳар бир Рейнольдс кучланиши ўзининг тенграмасига эга. Турбулентлик масштабини аниқлайдиган ўзгарувчи учун еттинчи тенглама ҳам мавжуд. Тўлиқ Рейнольдс кучланиш модели SSG/LRR- ω ва узунлик масштаби тенграмалари қуйидагича берилади:


$$\begin{cases} \frac{\partial R_{ij}}{\partial t} + \frac{\partial U_k R_{ij}}{\partial x_k} = P_{ij} + \Pi_{ij} - \varepsilon_{ij} + D_{ij}, \\ \frac{\partial \omega}{\partial t} + \frac{\partial U_k \omega}{\partial x_k} = \frac{a_\omega \omega P_{kk}}{k} - B_\omega \omega^2 + \frac{\partial}{\partial x_k} \left(\left(\mu + \sigma_\omega \frac{k}{\omega} \right) \frac{\partial \omega}{\partial x_k} \right) + \sigma_d \frac{1}{\omega} \frac{\partial k}{\partial x_j} \frac{\partial \omega}{\partial x_j}, \end{cases} \quad (3)$$

бу ерда $\rho R_{ij} = -\tau_{ij} = \rho u'_i u'_j$; P_{ij} – Рейнольдс кучланишини генерацияси; D_{ij} – диффузия; ε_{ij} – диссипация; Π_{ij} – босимнинг қайта тақсимлаш ҳади.

Диссертациянинг иккинчи боби "**Марказдан қочма сепараторни сонли ўрганиш**" деб номланган.

Биринчи параграфда муаммонинг физик ва математик қўйилиши шакллантирилган.

1-расмда янги ишлаб чиқилган марказдан қочма сепараторнинг ўқ кесими кўрсатилган (патент учун ариза IAP 69152).



1-расм. Янги конструкцияли сепараторнинг ўқ кесимидаги кўриниши

Қаттиқ заррачали ҳаво оқими кириш 1 қувири орқали кириб келади. Оқим олдида цилиндр шаклида бошланиб, кесик конус билан тугайдиган ичи бўш жисм жойлашган. Ушбу жисмнинг кириш қисмида спирал сирт шаклида оқим йўналтиргичлари ўрнатилган. Улар айланма тезликни ҳосил қилишади. Заррачали оқим ташқи радиуси R ва ички радиуси R_1 бўлган цилиндрик тирқиш 3 га киради.

Бўш жисм 2 атрофидан айланиб ўтгандан сўнг оқим янги тартибга солинади ва цилиндрик шаклидаги пона ёрдамида 6 ва 7 қисмларга бўлинади. Марказдан қочма куч туфайли массив зарралар ташқи оқим 6 га келиб қўшилади. Енгил зарралар ҳаво оқими 7 билан сўриш қувири 8 орқали чиқариб юборилади. Тораювчи цилиндрик оралик 6 га

тушган оғирроқ заррачалар сокин соҳа 9 га ўтишади. Гравитация кучи таъсирида улар ҳаракатланиб, бункер 10 га тўпланишади.

Икки фазали кўп компонентали муҳит ҳаракатини цилиндрик (z, r) координаталарда тавсифлаймиз. z ўқи ичи бўш жисм юқори қисмининг ўртасидан бошланади ва пастга йўналтирилади. Радиал r координата z ўқидан бошланади ва ташқарига йўналтирилади. Ҳаво тезлиги векторининг бўйланма, радиал ва тангенциал компоненталари U , V ва W билан, i -чи фракция заррачалари тезликлари U_{pi}, V_{pi} ва W_{pi} билан белгиланади. Оқимни ўққа нисбатан симметрик деб ҳисоблаймиз. Ҳисоблаш ишлари 3, 4, 5, 6 ва 7 (тозаланган ҳаво учун кесик конус) соҳалари учун олиб борилади. 9 соҳа, юқорида айтиб ўтилганидек, сокин соҳани англатади. Тирсак ва чиқиш қуворлари ҳисоблаш соҳасига кирмайди. Оқимни турбулент деб, заррачалар

мавжудлиги оқим зичлиги ρ қийматининг аҳамиятли ўзгаришига олиб келмайди деб ҳисоблаймиз. Заррачалар ҳақиқий зичлик ρ_p га эга, ўртача диаметрлари δ_i бўлган N фракциялардан ташкил топган. i -чи фракциянинг сақланиш тенгламаси ҳисобга олинганда, дифференциал тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{dU}{dt} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r v_{eff} \frac{\partial U}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(v_{eff} \frac{\partial U}{\partial z} \right) - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (U - U_{pi}), \\ \frac{dV}{dt} - \frac{W^2}{r} + \frac{\partial p}{\rho \partial r} = \frac{\partial}{\partial r} \left(r v_{eff} \frac{\partial V}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(v_{eff} \frac{\partial V}{\partial z} \right) - \frac{v_{eff}}{r^2} V - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (V - V_{pi}), \\ \frac{dW}{dt} - \frac{VW}{r} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r v_{eff} \frac{\partial W}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(v_{eff} \frac{\partial W}{\partial z} \right) - \frac{v_{eff}}{r^2} W - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (W - W_{pi}), \\ \frac{dU_{pi}}{dt} = k_i (U - U_{pi}), \quad \frac{dV_{pi}}{dt} - \frac{W_{pi}^2}{r} = k_i (V - V_{pi}), \quad \frac{dW_{pi}}{dt} - \frac{V_{pi} W_{pi}}{r} = k_i (W - W_{pi}), \\ \frac{d\rho_i}{dt} = D \left(\frac{\partial^2 \rho_i}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial \rho_i}{\partial r} + \frac{\partial^2 \rho_i}{\partial z^2} \right), \quad D = \frac{\rho}{\rho + \rho_p} \frac{v + v_t}{Sc}, \quad \frac{\partial U}{\partial z} + \frac{\partial r V}{r \partial r} = 0, \\ i = 1..N, \quad v_{eff} = v + v_t. \end{array} \right. \quad (4)$$

Бу ерда p – босим; v, v_t – ҳавонинг ламинар ва турбулент кинематик ковушқоқлик коэффицентлари; $k_i = \frac{18\rho v}{\rho_p \delta_i^2}$ – i -чи фракция учун Стокс параметри; $\frac{d}{dt} = \frac{\partial}{\partial t} + U \frac{\partial}{\partial z} + V \frac{\partial}{\partial r}$ – субстанционал ҳосила; D – қаттиқ фаза учун диффузия коэффицентини; $Sc = 0.8$ – Шмидт сони.

Кириш кесими $z = 0$ да қуйидаги чегаравий шартлар берилди:

$$U(0, r, t) = U_{pi}(0, r, t) = U_{ax}, \quad V(0, r, t) = 0, \quad W(0, r, t) = W_{pi}(0, r, t) = W_{ax}, \quad \frac{\partial p(0, r, t)}{\partial r} = \frac{\rho W^2}{r}.$$


Деворларда ёпишқоқлик шarti – $\Phi(z, R, t) = 0$, бунда $\Phi = U, V, W, U_{pi}, V_{pi}, W_{pi}$.

Оқим ўқида ҳаво ва фракциялар тезликлари учун қуйидаги шартлар қабул қилинади: $\frac{\partial U(z, 0, t)}{\partial r} = \frac{\partial U_{pi}(z, 0, t)}{\partial r} = 0, \quad \Phi(z, 0, t) = 0$, бунда $\Phi = V, V_{pi}, W, W_{pi}$.

6 ва 7 соҳалардан чиқишда юмшоқ чегаравий шартлар қўйилган:

$$\frac{\partial^2 U(L, r, t)}{\partial z^2} = \frac{\partial^2 V(L, r, t)}{\partial z^2} = \frac{\partial^2 W(L, r, t)}{\partial z^2} = 0.$$

Оқим турбулентлигини тавсифлаш учун чизиқли SARC ва SST-RC, чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM моделлари ишлатилди.



**2-расм. Ўлчовсиз
координаталардаги
хисоблаш соҳалари**

Иккинчи параграфда янги ўлчовсиз координаталарга ўтилди. Кирилган янги координаталар ҳисоблаш ишларини регуляр соҳаларда олиб бориш имконини беради (2-расм).

(z, r) координата системасидан Мизес ўзгарувчилари (ξ, η) га ўтиш диссертация ишида батафсил баён этилган.

Учинчи параграфда тенгламаларни янги ўзгарувчиларда ечишнинг сонли усули берилган. Тенгламалар системаси (4) ни сонли ечишда SIMPLE усули ишлатилган. Айни ҳолда тенгламалар тизими тезлик–босим физик ўзгарувчилар бўйича тақсимланиб ечилди. Кўчиш тенгламаларини ечиш контроль ҳажм усулида гибрид, шахмат шаклидаги

айирмали тўр тугунларида амалга оширилди.

Ушбу усулда янги координаталарда ёзилган Рейнольдс тенгламаларини ечиш икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда дастлаб оралик қийматлар \tilde{U}, \tilde{V} ва W^{n+1} , сўнгра эса U^{n+1} ва V^{n+1} нинг қийматлари аниқланади:

$$\begin{cases}
 \frac{\tilde{U} - U^n}{\Delta t} + U^n \frac{\partial U^n}{L \partial \xi} + U^n \eta' \frac{\partial U^n}{\partial \eta} + V^n F(z) \frac{\partial U^n}{\partial \eta} + \frac{\partial p^n}{L \partial \xi} + \eta' \frac{\partial p^n}{\partial \eta} = \\
 = \frac{F(z)}{r} \frac{\partial}{\partial \eta} \left[r v_{eff} F(z) \frac{\partial \tilde{U}}{\partial \eta} \right] + \frac{1}{L} \frac{\partial}{\partial \xi} \left[v_{eff} \left(\frac{1}{L} \frac{\partial U^n}{\partial \xi} + \eta' \frac{\partial U^n}{\partial \eta} \right) \right] + \\
 + \eta' \frac{\partial}{\partial \eta} \left[v_{eff} \left(\frac{1}{L} \frac{\partial U^n}{\partial \xi} + \eta' \frac{\partial U^n}{\partial \eta} \right) \right] - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (U - U_{p,i}), \\
 \frac{\tilde{V} - V^n}{\Delta t} + U^n \frac{\partial V^n}{L \partial \xi} + U^n \eta' \frac{\partial V^n}{\partial \eta} + V^n F(z) \frac{\partial V^n}{\partial \eta} - \frac{W^2}{r} + F(z) \frac{\partial p^n}{\partial \eta} = \\
 = \frac{F(z)}{r} \frac{\partial}{\partial \eta} \left[r v_{eff} F(z) \frac{\partial \tilde{V}}{\partial \eta} \right] + \frac{1}{L} \frac{\partial}{\partial \xi} \left[v_{eff} \left(\frac{1}{L} \frac{\partial V^n}{\partial \xi} + \eta' \frac{\partial V^n}{\partial \eta} \right) \right] + \\
 + \eta' \frac{\partial}{\partial \eta} \left[v_{eff} \left(\frac{1}{L} \frac{\partial V^n}{\partial \xi} + \eta' \frac{\partial V^n}{\partial \eta} \right) \right] - \frac{v_{eff}}{r^2} \tilde{V} - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (V - V_{p,i}), \\
 \frac{W^{n+1} - W^n}{\Delta t} + U^n \frac{\partial W^n}{L \partial \xi} + U^n \eta' \frac{\partial W^n}{\partial \eta} + V^n F(z) \frac{\partial W^n}{\partial \eta} + \frac{WV}{r} = \\
 = \frac{F(z)}{r} \frac{\partial}{\partial \eta} \left(r v_{eff} F(z) \frac{\partial W^{n+1}}{\partial \eta} \right) + \frac{1}{L} \frac{\partial}{\partial \xi} \left[v_{eff} \left(\frac{1}{L} \frac{\partial W^n}{\partial \xi} + \eta' \frac{\partial W^n}{\partial \eta} \right) \right] + \\
 + \eta' \frac{\partial}{\partial \eta} \left[v_{eff} \left(\frac{1}{L} \frac{\partial W^n}{\partial \xi} + \eta' \frac{\partial W^n}{\partial \eta} \right) \right] - \frac{v_{eff}}{r^2} \tilde{W} - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (W - W_{p,i}),
 \end{cases} \quad (5)$$

$$\begin{cases} U^{n+1} = \tilde{U} - \Delta t \left(\frac{\partial \delta p}{L \partial \xi} + \eta' \frac{\partial \delta p}{\partial \eta} \right), \\ V^{n+1} = \tilde{V} - \Delta t F(z) \frac{\partial \delta p}{\partial \eta}. \end{cases} \quad (6)$$

(5) тенгламалар цилиндрик координаталарда янги ўзгарувчилар ёрдамида ёзилган RANS тенгламалар тизимини ифодалайди. (6) муносабатларда эса $\delta p = p^{n+1} - p^n$ – босим учун тузатма.

(6) тенгламаларни градиентга кўпайтирамиз ва вақтнинг $(n+1)$ -қадамида тезлик векторининг соленоидаллигини ҳисобга олиб, босим учун тузатманинг қийматини аниқлаш учун Пуассон тенгласини оламиз. Ушбу тенгламани ечиш барқарор ечимга ўтиш усули билан амалга оширилди, шунинг учун у параболик тенглама кўринишида ёзиб олинди:

$$\begin{aligned} \frac{\partial \delta p}{\partial t_0} = \Delta t \left(\frac{\partial^2 \delta p}{L^2 \partial \xi^2} + 2\eta' \frac{\partial^2 \delta p}{L \partial \xi \partial \eta} + (\eta')^2 \frac{\partial^2 \delta p}{\partial \eta^2} + \eta'' \frac{\partial \delta p}{\partial \eta} \right) + \\ + \Delta t \left(F(z)^2 \frac{\partial^2 \delta p}{\partial \eta^2} + F(z) \frac{\partial \delta p}{r \partial \eta} \right) - \frac{\partial \tilde{U}}{\partial \xi} - \eta' \frac{\partial \tilde{U}}{\partial \eta} - F(z) \frac{\partial r \tilde{V}}{r \partial \eta}, \end{aligned} \quad (7)$$

бу ерда фиктив вақт t_0 итерация параметри ҳисобланади.

Тенгламалар системаси (5) даги кўчиш тенгламаларини сонли ечиш учун ярим ошқормас схема ишлатилди. Конвектив ҳадлар А.А Самарскийнинг "оқимга қарши" схемаси ёрдамида вақтнинг олдинги қадамида олинган натижалар иштирокида аппроксимацияланди:

$$\begin{aligned} \frac{\tilde{U}_{i,j} - U_{i,j}^n}{\Delta t} + \frac{0.5(U_{i,j} + |U_{i,j}|)U_{i,j}^n - U_{i-1,j}^n}{L \Delta \xi} + \frac{0.5(U_{i,j} - |U_{i,j}|)U_{i+1,j}^n - U_{i,j}^n}{L \Delta \xi} + \\ + 0.5\eta'(U_{i,j} + |U_{i,j}|) \frac{U_{i,j}^n - U_{i,j-1}^n}{\Delta \eta} + 0.5\eta'(U_{i,j} - |U_{i,j}|) \frac{U_{i,j+1}^n - U_{i,j}^n}{\Delta \eta} + \\ + 0.5F(z)^{(u)}(V_{i,j} + |V_{i,j}|) \frac{U_{i,j}^n - U_{i,j-1}^n}{\Delta \eta} + 0.5F(z)^{(u)}(V_{i,j} - |V_{i,j}|) \frac{U_{i,j+1}^n - U_{i,j}^n}{\Delta \eta} - \\ - \Pi^{(u)} = F(z)^{(u)} \frac{\tilde{U}_{i,j+1}(a_{i,j+1}^{(u)} + a_{i,j}^{(u)}) - \tilde{U}_{i,j}(a_{i,j+1}^{(u)} + 2a_{i,j}^{(u)} + a_{i,j-1}^{(u)}) + \tilde{U}_{i,j-1}(a_{i,j}^{(u)} + a_{i,j-1}^{(u)})}{2r_j \Delta \eta^2}, \end{aligned} \quad (8)$$

Схема мутлақ барқарор бўлиб, унда вақтнинг янги қадамида номаълумлар фақат η йўналишида ҳайдаш усулидан фойдаланиб топилган. Қолган тенгламалар ҳам шунга ўхшаш тарзда ечилди.

Заррачалар траекторияларини ҳисоблаш учун Лагранж ёндашуви қулай. Бунинг учун системанинг 5-8-чи тенгламаларини қуйидаги шаклда ёзамиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{dU_{pi}}{dt} = k_i (U - U_{pi}), \quad \frac{dV_{pi}}{dt} - \frac{W_{pi}^2}{r} = k_i (V - V_{pi}), \quad \frac{dW_{pi}}{dt} - \frac{V_{pi}W_{pi}}{r} = k_i (W - W_{pi}), \\ \frac{d\rho_i}{dt} = D \left(F(z)^2 \frac{\partial^2 \rho_\rho}{\partial \eta^2} + \frac{F(z)}{r} \frac{\partial \rho_\rho}{\partial \eta} + \frac{\partial^2 \rho_\rho}{L^2 \partial \xi^2} \right) + \\ \quad + D \left(2\eta' \frac{\partial^2 \rho_\rho}{L \partial \xi \partial \eta} + (\eta')^2 \frac{\partial^2 \rho_\rho}{\partial \eta^2} + \eta'' \frac{\partial \rho_\rho}{\partial \eta} \right). \end{array} \right. \quad (9)$$

Заррачалар траекторияларини аниқлаш учун (9) тенгламалар системасига қуйидаги тенгламаларни қўшиш керак:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{dz_i}{dt} = U_{pi}, \\ \frac{dr_i}{dt} = V_{pi}. \end{array} \right.$$

(9) тенгламалардан $U_{pi}, V_{pi}, W_{pi}, \rho_i$ қийматларини сонли аниқлаш учун учун конвектив ҳадлар “оқимга қарши” схемаси асосида, диффузион ҳадлар эса (8) каби ошқормас усулда аппроксимацияланишди. Квазидаврий режим шакллангандан сўнг, ностационар майдонлар учун ўртачалаш усули амалга оширилди. Сонли натижалар 50x100 ўлчамдаги ҳисоблаш тўри учун олинди.


Сепараторнинг лаборатория варианты параметрлари қуйидагича (2-расм): $R = 125 \text{ мм}, r_1 = 100 \text{ мм}, r_2 = 75 \text{ мм}, r_3 = 120 \text{ мм}, r_4 = 50 \text{ мм}$. Ҳисоблаш тажрибаси коаксиал каналга киришдаги оқимнинг қуйидаги параметрларида ўтказилди: $U_{ax} = 5.5 \text{ м/с}, V = 0 \text{ м/с}, W_{ax} = 4.7 \text{ м/с}, \rho^0 = 7000 \text{ кг/м}^3$. Кириш қисмидаги қаттиқ фазанинг умумий зичлиги $\rho_i = 18 \text{ г/м}^3$ тенг ва юза бўйича тенг тақсимланган деб олинди.

Тўртинчи параграфда турбулентликнинг чизиқли SARC ва SST-RC моделларига доир сонли натижалар таққосланди.

Бешинчи параграфда турбулентликнинг чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM модели асосида олинган натижалар келтирилган ва улар турбулентликнинг чизиқли SARC, SST-RC моделлари асосида олинган сонли натижалар билан таққосланган.

3-расмда қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда турбулентликнинг чизиқли SARC ва SST-RC моделлари ва чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM модели ёрдамида олинган ҳаво бўйлама тезлигининг изолиниялари кўрсатилган.


SSG/LRR-RSM турбулентлик моделидан фойдаланиш орқали (3-расм), чизиқли моделлардан фойдаланилганидан фарқли ўлароқ, ичи бўш жисмдан кейин рециркуляция соҳаларини аниқлаш мумкин бўлди. Бундан ташқари, кесилган конус ташқи девори яқинида уюрмалар ҳосил бўлган.




а) б) в)
3-расм. Қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда турбулентликнинг чизиқли SARC (а), SST-RC (б) ва чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM (в) моделлари ёрдамида олинган оқим бўйлама тезлигининг изолиниялари

4-расмда қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсири инобатга олинган ҳолда юқорида келтирилган турбулентлик моделлари ёрдамида ҳисобланган ҳаво тезлигининг профиллари кўрсатилган.

Сепараторнинг ишлаб чиқилган конструкциясида рух кукунининг ажратиш самарадорлиги, биринчидан, кириш оқими тезлигини ўзгартириш орқали, иккинчидан, буриш кураклари шакли ва ҳолатини ўзгартириш орқали бошқарилади. Куракларнинг ҳолати болт ўқи атрофида силлиқ ўзгартирилиши мумкин. Шунинг учун ҳисоблашларда 5-расмда келтирилган характеристик позицияга асосланамиз. Ушбу фазода бошқариладиган кураклар ёрдамида оқимга айланма ҳаракат берилади. Ушбу расмда M – куракни бириктириш ўқи, C – куракнинг R_2 радиусли цилиндр билан кесишиш нуқтаси. Бошқарувчи болт ёрдамида кураклар MOC бурчагининг α кийматига мос қилиб ўрнатилади.




4-расм. Қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда турбулентликнинг чизиқли SARC, SST-RC ва чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM моделларини қўллаб олинган ҳавонинг бўйлама, радиал ва тангенциал тезлиги профиллари. $\xi = 0.65$ (а), $\xi = 0.7$ (б)



5-расм. Курақлар ҳолатининг фиксацияси

Шундай қилиб, бу бурчак ҳаво оқими айланишини тартибга солувчи параметрдир. Бундан кейин айланма тезликка эришган ҳаво коаксиал каналга киради.

б-расмда диаметри $\delta = 7$ мкм ва $\delta = 10$ мкм бўлган чанг зарраларининг траекториялари кўрсатилган.




6-расм. Диаметри $\delta = 7$ мкм (а, б), $\delta = 10$ мкм (в, г) бўлган чанг зарраларининг траекториялари, $\alpha = 22^\circ$, $W/U = 0.921$. (а, в) SSG/LRR-RSM ва (б, г) SARC моделларига кўра

Расмдан кўришиб турибдики, SSG/LRR-RSM турбулентлик моделига мувофиқ диаметри $\delta=7$ мкм бўлган заррачаларнинг тахминан 27 %и, турбулентликнинг SARC моделига кўра эса 44 %и бункерда қолади. $\delta =10$ мкм бўлган ҳолида SSG/LRR-RSM турбулент моделига мувофиқ заррачаларнинг тахминан 89 %и ва SARC турбулент моделига кўра эса 84 %и сепаратор бункерида жамланади.

Диссертациянинг учинчи боби лаборатория тажриба қурилмасини ишлаб чиқишга бағишланган.


7-расмда тажриба тадқиқотлари ўтказишга мўлжалланган лаборатория сепараторининг тасвири келтирилган. Бу ерда 1 – дастлабки маҳсулотни киритиш қувури; 2 – марказдан қочма сепаратор; 3 – ушланган чангни олиб кетиш учун қувур; 4 – ҳаво чиқариладиган қисм; 5 – вентилятор; 6 – сўрувчи қувур.

8-расмда йўналтирувчи куракларнинг икки тури кўрсатилган. Биринчиси – тўғри тўртбурчак кўринишидаги, иккинчиси эса трапеция шаклидаги қийшиқ кураклар. Трапеция шаклидаги куракларнинг афзаллиги шундаки, курак зонасидан чиқишда оқим уюрмалари камаяди. Иккинчи параграфда самарали айлантирувчи мослама ишлаб чиқилган.



7-расм. Кичик дисперс кукуни олиш учун лаборатория сепаратори бўлган икки намунаси ишлатилган.

Сонли ҳисоблаш натижаларини тажриба маълумотлари билан таққослаш учун сепаратор бункеридаги, яъни марказдан қочма сепараторда ушланган чангнинг дисперсион таҳлили ўтказилди.



9-расм. Сепаратор бункеридаги ва турбулентликнинг уч модели асосида олинган натижаларга кўра чангнинг дисперс таркиби

10 мкм дан кичик бўлган чангнинг 12 %и сепаратор бункерида қолади. Бу бизнинг масаламиз учун жуда қониқарли натижа ҳисобланади.

9-расмдан кўриниб турибдики, $W_{ex}/U_{ex} = 0.851$ ва қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсири ҳисобга олинган ҳолда турбулентликнинг чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM моделининг сонли натижалари тажриба маълумотлари билан яхши мосликка эга. Қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда қўлланилган чизиқли SARC модели 84 %, чизиқли SST-RC модели эса 82 % аниқликни таъминлашди.



8-расм. Йўналтирувчи кураклар шакли: а – тўртбурчакли эгри ва б - трапеция шаклидаги кураклар

Тажрибалар учун рух кукунининг заррачаларининг ўртача диаметри $\delta = 39,784$ мкм га ва $\delta = 11.063$ мкм га тенг

9-расмда $W_{ex}/U_{ex} = 0.851$ ва ҳаво тезлиги $U_{ex} = 5.5$ м/с бўлган ҳолда сепаратор бункеридан олинган рух кукунининг анализатор кўрсаткичи (ромбиклар) ва қаттиқ фазанинг ҳаво оқими динамикасига таъсири ҳисобга олинганда чизиқли бўлмаган SSG/LRR-RSM (узлуксиз чизиқ), чизиқли SARC (узук чизиқ) ва SST-RC (крестиклар) моделлари асосида олинган дисперсион таркиблар келтирилган. Тажриба натижаларига кўра, янги сепараторнинг самарадорлиги шундан иборатки, кириш тезлиги $U_{ex} = 5.5$ м/с бўлганида диаметри

ХУЛОСА

«Ҳаво сепараторлари ичида содир бўладиган жараёнларни кўп фазали муҳитлар назарияси асосида моделлаштириш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Айланма оқимдан фойдаланадиган барча турдаги сепараторларнинг таҳлили амалга оширилди. Натижада геометрияси ва оқимнинг кириш параметрлари тўғри танланган, ҳаво оқимини сўриш орқали ҳосил қиладиган сепаратор қурилмаларининг афзалликлари исботланди.

2. Сепараторда чанг заррачасига таъсир этувчи кучлар баҳоланди ва сепаратор ичида асосий кучлар марказдан қочма ва фазалар орасидаги ўзаро таъсир кучлари эканлиги аниқланди.

3. Юқоридаги омилларини ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган объектни етарли даражада тавсифловчи турбулентликнинг турли моделлари ёрдамида кўп компонентали икки фазали турбулент оқим динамикасининг математик модели ишлаб чиқилди.

4. Координаталарни алмаштириш натижасида мураккаб оқим соҳаси тўртбурчак соҳага келтирилди ва бу сонли ҳисоб-китобларни регуляр амалга оширишга имкон берди. Ташувчи газ ва дисперс қаттиқ фазаларнинг тенгламалар системаси тузилди, улар учун бошланғич ва чегаравий шартлар шакиллантирилди.

5. Марказдан қочма сепаратордаги физик жараёнларни сонли ўрганишда чизиқли (SARC, SST-RC) ва ночизиқли (SSG/LRR-RSM) турбулентлик моделларидан фойдаланиш имконини берадиган, чекли айирмалар ва SIMPLE усуллари биргаликда қўлланилган усул ишлаб чиқилди. Чизиқли бўлмаган турбулентлик модели, SSG/LRR-RSM жараёни етарли аниқликда тавсифлаши исботланди, чунки унда ҳисоблаш соҳасининг мураккаб шакли ва айланма оқим натижасида юзага келадиган анизотроп турбулентлик ҳисобга олинади.

6. Рух кукунини турли фракцияларга ажратиш учун ҳисоблаш тажрибаси ўтказилди. Натижада кукунни ажратишда максимал самарадорликни таъминлайдиган, ҳавони айланма ҳаракатга келтирувчи мослама куракларининг шакли, бурчаги ва киришдаги ҳаво тезлигининг оптимал кўрсаткичлари аниқланди.

7. Аниқланган оқим ва қурилманинг оптимал параметрлари юқори самарали сепараторни ишлаб чиқишга имкон берди, бу эса ажратиш самарадорлигини ишлаб чиқаришда 50% дан 70% гача ва лаборатория шароитида 70% дан 92% гача оширишга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ

МАДАЛИЕВ МУРОДИЛ ЭРКИНЖОН УГЛИ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ, ПРОИСХОДЯЩИХ В
ВОЗДУШНЫХ СЕПАРАТОРАХ НА ОСНОВЕ ТЕОРИИ
МНОГОФАЗНЫХ СРЕД**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/FM235.

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tiiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Маликов Зафар Маматкулович доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович доктор физико-математических наук, профессор Арифжанов Айбек Мухамеджанович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Научно-инновационный центр информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий

Защита диссертации состоится «2» декабря 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33, зал заседаний-1. Тел.(99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института механики и сейсмостойкости сооружений (зарегистрирована за № 2). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.(99871) 262-71-52).

Автореферат диссертации разослан «18» ноября 2020 года.
(реестр Протокола рассылки № 2 от «18» ноября 2020 года.)



М.М.Мирsaidов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор, академик АН РУз

М.К. Усаров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., с.н.с.

И.К.Хужаев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На мировом уровне в настоящее время для современной промышленности большое значение имеют тонкодисперсные порошки заданного гранулометрического состава. Потому, что использование тонкодисперсных порошков во многих технологических процессах приводит к улучшению качества конечной продукции. Наиболее эффективные и экологически чистые способы получения тонкодисперсных порошков основаны на использовании центробежных воздушных сепараторов. Однако внутри центробежных сепараторов происходят сложные нестационарные режимы турбулентного течения. Экспериментальные исследования в этом направлении связаны с большими техническими трудностями и высокой себестоимостью. Поэтому совершенствование и технологическое развитие воздушной обработки многофазных сред и создание более совершенных новых и эффективных сепараторов для разделения порошков по фракциям может осуществляться только на основе фундаментальных исследований в области аэродинамики многофазных потоков.

В настоящее время в мире разрабатываются различные математические модели турбулентности, описывающие закрученное движение среды, также развивается их применение для решения различных гидродинамических задач. Закручивание потока вызывает сильную анизотропную турбулентность. Математически эта проблема очень сложна и до сих пор не создана универсальная математическая модель для закрученного турбулентного потока. Эта проблема еще больше усложняется для двухфазного полидисперсного турбулентного потока. В связи с этим необходимо разработать улучшенные математические модели, эффективные вычислительные алгоритмы и программы расчета закрученных двухфазных турбулентных потоках.

В нашей стране большое внимание уделяется локализации средств производства и производству материалов. В частности, эффективные центробежные сепараторы спроектированы и внедрены в производственные объекты, работающие в средах с различными дисперсиями. В то же время в Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены: «... производство ..., техническое и технологическое обновление ..., дальнейшая модернизация и диверсификация отрасли путем перехода к высоко технологической переработке местного сырья с высокой добавленной стоимостью, ... сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, внедрение энергосберегающих технологий»¹. При реализации этих задач важное значение имеет разработка пакетов программ, которые позволяют моделировать закрученные турбулентные полидисперсные потоки,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

проводить вычислительные эксперименты и определить рациональные параметры различных устройств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 3 октября 2018 года «Совершенствование системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми с этой области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

